

**Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**5A510701 – Олий ҳамишралик иши магистратура мутахассислигининг  
малака талаблари**

**Тошкент**

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Республика тиббий таълим ривожлантириш маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2017 йил «22»  
08 даги 474 - сонли буйруғи.



### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Мазкур малака талаblари Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....</b>	<b>4</b>
1.1	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи .....</b>	<b>5</b>
2.	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>6</b>
2.1	Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2.	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....</b>	<b>7</b>
3.	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>8</b>
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2.	<b>5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми .....</b>	<b>10</b>

## 1. 5A510701 – Олий ҳамишралик иши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A510701 – Олий ҳамишралик иши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

#### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5A510701 – Олий ҳамишралик иши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

#### 1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислиги** – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тиббиётга оид махсус фанларни ўқитиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тиббий марказларида касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш, аҳоли ўртасида касалликларнинг тарқалишини олдини олишга ва касалликларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (марказий туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналари бўлимларида, кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникалари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида, диспансерлар, тиббий ёрдам марказлари ва станциялари, она ва болалиқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари) ҳамшираларни бошқаришга оид тиббий, профилактик ва технологик муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш;

соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасида комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислиги бўйича касбий фаолиятининг объектлари:**

соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркеклар;

соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика бўйича давлат ва хусусий муассасалар, вилоят, шаҳар, туман даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслар;

илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари, тиббий ёрдам хизматларига эга бўлган хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

илмий тадқиқот жараёни;

ўқув жараёни.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

### **1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *Илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *Тиббий-профилактик фаолияти;*
- *Тиббий-ижтимоий фаолияти;*
- *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);*

- *Консалтинг хизмати фаолияти* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## **2. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий кифоаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;

шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;

янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;

касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;

ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

## **2.2. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;

олий ҳамширалик ишида касалликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиши;

ўтказилган текширувлар, уларнинг натижаларини таҳлил қилишда янги технологияларни излаши ва ишлаб чиқиши, умумлаштириши ҳамда амалиётга татбиқ қилиши;

касалликларни тарқалганлигини баҳолаш ва эҳтимоллик омилларини аниқлаш бўйича эпидемиологик текширувларни амалга ошириши ҳамда уларнинг даражасини пасайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал ва клиник тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;

илмий-амалий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиши;

Ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;

илмий семинарлар, илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши;

илмий-амалий тиббий мавзулар бўйича тиббиётга оид журналларга мақолалар тайёрлаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Тиббий – профилактик фаолиятида:**

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини олий ҳамширалик ишида профилактика ишларини олиб бориши;

касалхона, клиника, диспансер, тиббий марказларнинг бўлимлари олий ҳамширалик фаолиятида профилактика ишларини олиб бориши;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши;

ҳамширалик фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиши;

профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали олий ҳамширалик иши магистри сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Тиббий-ижтимоий хизмат фаолиятида:**

ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда оила ва алоҳида аҳоли гуруҳларига тиббий-ижтимоий, демографик ва психологик таҳдид факторларини ҳисобга олган ҳолда хизмат турларини ташкиллаштириши ва хизмат кўрсатиши;

аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларининг даволаш-профилактика муассасаларида ҳамширалик ишни ташкиллаштириши ва бошқариши;

меҳнат, моддий ва ахборот ресурсларининг рационал бошқарувини таъминлаши, бошқарувни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириши;

аҳоли соғлиғи ҳолатининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиши ва ҳисобот тайёрлаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (ўрнатилган тартибда):**

ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаши;

электрон ўқитиш усулларини эгаллаши;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;

замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиши;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиши, тайёрлаши ва расмийлаштириши;

ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;



мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши;

узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасида ҳамширалик иши мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиши;

соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасида бўйича магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиши;

тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **3. 5A510701 – Олий ҳамширалик иши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Олий ҳамширалик иши мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун таълим фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда яқиний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий даволаш профилатика муассасаларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг илмий амалиёт (стажировка)лари базавий даволаш профилатика муассасаларида ўтказилади.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** **Умумметодологик фанлар блоки:**

миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий-тадқиқотларда фойдалана олиши;

шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиши;

янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нуткини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, услубларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши;

ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашув шаклланган бўлиши;

илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

патент олиш учун меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Мутахассислик фанлари блоки:**

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқлари;

олий ҳамширалик иши менежментининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги ҳамда тиббий ёрдам сифатини яхшилашдаги ўрни;

соғлиқни сақлаш иқтисодиёти, молиявий менежментнинг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни;

олий ҳамширалик ишида ташкиллаштириш, ўрта тиббиёт ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, ишини ташкил этишни;

олий ҳамширалик ишида етакчилик қилиш концепцияларини, етакчилик қилиш услублари ва функцияларини, мулоқот маданиятини;

мотивлаштириш ва эҳтиёж, мотивлаштириш назариялари, назорат, унинг мазмуни ва моҳияти, асосий назорат турлари, самарали назоратнинг характеристикаси, назоратнинг стратегик йуналтирилганлигини;

даволаш профилактика муассасаларида тиббиёт ҳамшираси фаолиятини ташкиллаштириш;

олий ҳамширалик ишида жамоат саломатлиги ва жамоат саломатлигини сақлашда республикада олиб борилаётган ислохотлар;

жамоат саломатлигини ўрганувчи замонавий усуллар, хавф омиллари, уларни бартараф этишнинг илмий асослари;

олий ҳамширалик ишида эпидемиологик тадқиқот усулари ва хавф омиллари, ҳамширалик ишида статистик тадқиқотларни;

олий ҳамширалик ишида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекцион ва ноинфекцион касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва тарқалишини;

олий ҳамширалик ишида саломатлик, соғлиқни сақлаш тизими кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни илмий асослаш;

аналитик тадқиқотларни хавф кўрсаткичлари: нисбий хавф, мутлоқ хавф кўрсаткичи, нисбий ва мутлоқ хавфнинг камайиши, нисбий хавфнинг улуши, имкониятлар нисбати кўрсаткичларини аниқлаш;

олий ҳамширалик ишида илмий ишларни тақдим этишда тегишли жадваллар ва график тасвирларнинг макетларини тузиш, тадқиқотлар натижаларини баҳолаш ва шарҳлаш;

магистратура мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, уқув ва кўникмаларни шакллантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида кишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва ақс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

#### **Илмий-педагогик ишлар:**

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

#### **Стажировка:**

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

#### **Танлов фанлари:**

*Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

\*Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларининг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида шакллантирилади.

### **3.2. 5A510701 – Олий ҳамишралик иши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	78 ҳафта
Аттестациялар	6 ҳафта
Таътиллар	16 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>100 ҳафта</b>

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 25 - 30%;

аттестация - 4 - 7%;

таътиллар - 13 - 16%;

илмий фаолият - 50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш-70-75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 20 – 30 %;

мутахассислик фанлари - 50 - 60%;

танлов фанлари - 10 - 15%.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Г 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган кадрлар  
истеъмолчилари, ҳамда ОваЎМТВ бошқармалари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги  
Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази

Директор \_\_\_\_\_ **М.Х. Алимова**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Тошкент тиббиёт академияси  
Ректор \_\_\_\_\_ профессор **Л.Н. Туйчиев**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Биринчи ўринбосари \_\_\_\_\_ **Б.Қ. Юсупалиев**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ **У.С. Исмаилов**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида  
Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий этилишини  
назорат қилиш Бош бошқармаси

Бошлиқ \_\_\_\_\_ **О.Ш. Исмаилов**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.





**Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган магистратура  
мутахассисликлари таълим йўналишларининг малака талаблари ва  
ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ  
йиғилишининг \_\_ - сонли  
БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“ ”

2017 й.

**КУН ТАРТИБИ :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган 44 та магистратура мутахассисликлари таълим йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама этиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**КАТНАШДИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ю.Осупалиев, фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи У.Исмаилов, тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори М.Х.Алимова, Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналиши ва мутахассисликларининг ўқув-услубий бирлашмаси раиси Б.Т. Даминов, Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари проректори в.в.б. Ш.А.Боймуродов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқув ишлари проректори Қ.Н.Хайитов, Тошкент Давлат стоматология институти ўқув ишлари проректори М.З.Дўсмухамедов, Тошкент тиббиёт академияси ўқув-услубий бўлими бошлиғи Ф.Х.Азизова, йўналишлар бўйича факультет деканлари, мутахассислик кафедралар мудирлари.

**ЭШИТИЛДИ:**

Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ў.С.Исмаилов “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли

қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорива олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган 44 та магистратура мутахассисликлари таълим йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларига ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

#### **Сўзга чикдилар:**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқув ишлари проректори Қ.Н.Хайитов, Тошкент тиббиёт академияси ўқув-услубий бўлим бошлиғи Ф.Х.Азизова сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари проректори в.в.б. Ш.А.Боймуродов:

44 та магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган бўлиб, уларда республика Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда рўй бераётган ислохотлар тўлалигича ўз аксини топган;

“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” даги магистратура мутахассисликлари :

1. 5A510101 *Акушерлик ва гинекология;*
2. 5A510102 *Эндокринология;*
3. 5A510103 *Терапия (ички касалликлар);*
4. 5A510103 *Терапия (реабилиталогия);*
5. 5A510103 *Терапия (гематология ва трансфузиология);*
6. 5A510104 *Оториноларингология;*
7. 5A510105 *Кардиология;*
8. 5A510106 *Офтальмология;*
9. 5A510107 *Юқумли касалликлар (умумий);*
10. 5A510107 *Юқумли касалликлар (болалар юқумли касалликлари);*
11. 5A510107 *Юқумли касалликлар (фтизиатрия);*
12. 5A510108 *Дерматовенерология ;*
13. 5A510109 *Неврология;*
14. 5A510110 *Умумий онкология;*
15. 5A510111 *Психиатрия;*
16. 5A510112 *Хирургия (йўналишлар бўйича);*

17. 5A510113 Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий радиология);
18. 5A510113 Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (клиник лаборатория таъхиси);
19. 5A510113 Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (бактериология ва вирусология);
20. 5A510113 Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий биохимия);
21. 5A510114 Нейрохирургия;
22. 5A510115 Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш (йўналишлар бўйича);
23. 5A510116 Тиббий психология;
24. 5A510117 Урология;
25. 5A510118 Морфология (йўналишлар бўйича);
26. 5A510118 Морфология (нормал ва патологик физиология);
27. 5A510118 Морфология (одам анатомияси ва гистология, цитология ва эмбриология);
28. 5A510119 Наркология ;
29. 5A510120 Анестезиология ва реаниматология;
30. 5A510121 Травматология ва ортопедия;
31. 5A510123 Суд-тиббийёт экспертизаси;
32. 5A510124 Патологик анатомия;
33. 5A510125 Шошилиш тиббий ёрдам;
34. 5A510126 Фармакология;
35. 5A510127 Спорт тиббийети;
36. 5A510301 Гигиена (коммунал гигиена);
37. 5A510301 Гигиена (меҳнат гигиенаси);
38. 5A510301 Гигиена (овқатланиш гигиенаси);
39. 5A510301 Гигиена (болалар ва ўсмирлар гигиенаси);
40. 5A510301 Гигиена (радиацион гигиена);
41. 5A510301 Гигиена (умумий эпидемиология);
42. 5A510701 Олий ҳамширалик иши;
43. 5A510128 Диетология;
44. 5A510302 Атроф муҳит ва инсон саломатлиғи;

